




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

9 (83) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛОТОВА
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

10 (84)

www.bsmi.uz
<https://newdaymedicine.com> E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

**2025
октябрь**

Received: 20.09.2025, Accepted: 06.10.2025, Published: 10.10.2025

УҚҚ 611,651,018-053,18

12 ОЙЛИК ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ БАЧАДОН НАЙЛАРИ ТУЗИЛИШИНИНГ ГИСТОТОПОГРАФИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ДИНАМИКАДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ

Боқаева Феруза Мақсудовна <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Алфраганус университети, Ўзбекистон, Шаҳар: Тошкент, туман: Юнусобод, кўч. Юкори
Қорақамиш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

Уибу илмий изланишида чақалоқларнинг эрта постнатал даврида яъни 1-3-6-9 ҳамда 12 ойлигида бачадон наири гистотопография тузилишида юз берадиган ўзгаришлар ўрганилган. Тақиқот обьекти сифатида 70 та қиз чақалоқларнинг (0-7 кунлик (20 та), 1-3 ойлик (20 та), 4-6 ойлик (17 та), 7-12 ойлик (13 та)) даврларида бачадон наининг 4 та: воронка, ампула, истмик ва бачанга ёндоши қисмлари ўрганилган. Тақиқот натижалари қўрсатдик, чақалоқлар эрта постнатал даврида бачадон наичаси бачадонга туташган қисмининг девори кам таомил топган хужайралардан иборат мушак қавати ҳисобига қалин, ички бўшилиги тор, унда сўргичлари кам ва қалта, юзаси яхши шакланмаган гиперхромли, призматик шаклдаги эпителий билан қопланганлиги аниқланади. Найчанинг ўрта истмик қисми девори нисбатан юпқароқ мушак қавати бетартиб жойлашган тутамлардан иборат, қопловчи эпителийси цилиндрсизмон хужайралардан ташкил топганлиги ва улар бевосита мушак тутамларида жойлашганлиги кузатилади. Найчанинг ампула қисми девори нисбатан яна ҳам юпқа, мушак қавати бир қатор мушак тутамларидан иборат, қон томирга бой тузилишига эгалиги, шиллиқ пардасида нисбатан узун сўргичлар мавжудлиги, қопловчи эпителийси кам таомил топган, гиперхромли, бетартиб жойлашган бир қаватли цилиндртик эпителийдан иборатлиги аниқланади.

Калим сўзлар: эрта постнатал давр, 12 ойлик, бачадон наири, гистотопография.

ГИСТОТОПОГРАФИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И ДИНАМИКА ИЗМЕНЕНИЙ СТРУКТУРЫ МАТОЧНОЙ ТРУБКИ У ДЕВОЧЕК В 12 МЕСЯЦЕВ

Боқаева Феруза Максудовна <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Университет «Альфаганус», Узбекистан, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Юкори
Каракамыш, 2А <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ Резюме

В данном научном исследовании изучались изменения гистотопографической структуры маточных труб у детей раннего постнатального периода, т.е. в возрасте 1, 3, 6, 9 и 12 месяцев. Объектом исследования явилось изучение 70 новорожденных девочек (0-7 дней (20), 1-3 месяцев (20), 4-6 месяцев (17), 7-12 месяцев (13)) в 4 отделах маточной трубы: воронке, ампуле, перешейке и прилегающей к матке. Результаты исследования показали, что в раннем постнатальном периоде у новорожденных стенка прилегающей к матке части маточной трубы толстая за счет мышечного слоя, состоящего из слабо развитых клеток, внутренняя полость узкая, в ней немногочисленные и короткие сосочки, а поверхность покрыта гиперхромным, призматическим эпителием с плохо сформированной поверхностью. Стенка среднего перешейка трубы состоит из относительно тонкого мышечного слоя, состоящего из беспорядочно расположенных пучков, а покровный эпителий образован цилиндрическими клетками и расположен непосредственно на мышечных пучках. Стенка ампульной части трубы относительно тонкая, мышечный слой состоит из множества мышечных пучков, имеет богатую кровеносными сосудами структуру, в слизистой оболочке имеются относительно длинные присоски, определяется, что покровный эпителий представлен слабо развитым, гиперхромным, неравномерно расположенным однослойным цилиндрическим эпителием.

Ключевые слова: ранний постнатальный период, 12 месяцев, маточная труба, гистотопография.

HISTOTOPOGRAPHIC CHARACTERISTICS AND DYNAMICS CHANGES IN THE STRUCTURE OF THE FALLING TUBE OF 12-MONTH-OLD GIRLS

Bokaeva Feruza Maksudovna <https://orcid.org/0000-0002-5903-3531>

Alfraganus University, Uzbekistan, City: Tashkent, district: Yunusobod, street. Yuqori Karakamish, 2A <https://www.alfraganusuniversity.uz>

✓ *Resume*

This scientific study studied the changes in the histotopographic structure of the fallopian tubes in infants in the early postnatal period, i.e. at 1-3-6-9 and 12 months of age. The object of the study was the study of 70 female infants (0-7 days (20), 1-3 months (20), 4-6 months (17), 7-12 months (13)) in 4 parts of the fallopian tube: funnel, ampulla, isthmus and adjacent to the uterus. The results of the study showed that in the early postnatal period of infants, the wall of the part of the fallopian tube adjacent to the uterus is thick due to the muscular layer consisting of poorly developed cells, the internal cavity is narrow, there are few and short nipples in it, and the surface is covered with hyperchromic, prismatic epithelium with an ill-formed surface. The wall of the middle isthmus of the tube consists of a relatively thin muscular layer consisting of irregularly arranged tufts, and the covering epithelium is formed by cylindrical cells and they are located directly on the muscular tufts. The wall of the ampoule part of the tube is relatively thin, the muscle layer consists of a number of muscle bundles, it has a structure rich in blood vessels, there are relatively long suckers in the mucous membrane, it is determined that the covering epithelium consists of a poorly developed, hyperchromic, irregularly located one-layer cylindrical epithelium.

Key words: *early postnatal period, 12 months, uterine tube, histotopography.*

Муаммонинг долзарблиги

Маълумки, жинсий тизим аъзоларининг такомил топиши долзарб муаммо хисобланади. Кориничи ва постнатал онтогенезда бачадон найи гистотопографиясининг ўзига хослиги хақидаги маълумотлар энг қизиқ масала хисобланади (4,5,6). Адабиёт маълумотлари бўйича бачадон найи анатомик ўлчамалари, деворининг гистологик тузилиши ва таркиби ҳам ҳомила даврида, ҳам постнатал даврда ўзгариб боради. Айниқса бачадон найи девори қалинлиги дистал ампула қисмидан бачадонга яқинлашган сари қалинлашиб боради. Бунда девори қалинлигининг асосий қисмини мушак қавати ташкил қиласи. Мушак қаватининг айланана мушак тутам қалинлиги, бўйлама мушак тутами қалинлигидан устунлик қиласи. Ҳомила даврида бачадон найи истмик қисмининг шиллиқ пардаси қалин, ампула қисми шиллиқ пардаси юпқалиги тадқиқотларда тасдиқланган. Бачадон найлари мюллар каналларидан пайдо бўлади. Энбрионнинг 6 ҳафталигига бачадон найига асос қўйилади, яъни мезонефрон каналидан целимик эпителий инвагинацияланишидан бошланади. Ҳар бир мюллар канали каудал тўмтотқ чети мезонефронга қараб ўсади ва найнинг ички бўшлигини пайдо қиласи (4, 5, 6). Ҳар бир найча ҳомила ичи даврининг 3 ойлигига урогенитал синусга туташади, кейин мюллар каналларининг краидал қисми фаллопий найига айланади ва целимик бўшлиқга очилади. Кейинги ривожланиш жараёнида бачадон найида 4 та қисм ташкил топади: бачадонга туташган интрамурал қисми, бўйин, ампула ва кенгайган воронка. Охирги 3 та қисми бачадондан ташқаридаги тузилмалар хисобланади, яъни мезосальпинкс кўринишида перитонеал бойлам билан боғланган бўлади (7, 8).

Илмий тадқиқотлар кўрсатишича, аёллар ёш динамикаси бўйича, асосан ўсмирилик даврида бачадон найчаларида шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларида склеротик, атрофик ва гиперпластик каби жараёнлар ривожланиши тасдиқланган. Чақалоқларнинг эрта постнатал даврида бачадон найи гистотопография тузилишида юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш муҳим долзарб муаммо хисобланади.

Тадқиқот мақсади: 12 ойлик қиз болаларнинг бачадон найлари тузилишининг гистотопографик ўзига хослиги ва динамикадаги ўзгаришларини ўрганиш.




Тадқиқот материали ва усуллари

Тадқиқот обьекти сифатида 70 та қиз чақалоқларнинг (0-7 кунлик (20 та), 1-3 ойлик (20 та), 4-6 ойлик (17 та), 7-12 ойлик (13 та)) даврларида бачадон найининг 4 та: воронка, ампула, истмик ва бачанга ёндош қисмларидан материал олинди. Бўлакчалар 10% нейтралланган формалинда 48 соат давомида қотирилди. Концентрацияси ошиб борувчи спиртлар ва хлороформларда сувсизлантирилиб, кейин воск қўшилган парафин қўйилиб, гишчалар тайёрланди. Гишчалардан қалинлиги 4-5 мкм бўлган гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин ва эозинда бўялди. Гистологик препаратлар ёруғлик микроскопида ўрганилиб, маълумотларга бой соҳаларидан расмлар туширилди.


Тадқиқот натижа ва таҳлиллари

Эрта постнатал даврда қиз чақалоқлар 12 ойлик бўлганда бакчадон найи турли қисмларида юз берадиган морфологик ўзгаришларни ўрганиш унинг ривожланиб, такомил топиб бориш динамикасини тушиниб олишга ёрдам беради. Маълумки, бачадон найи анатомик жиҳатдан бачадон танасидан чиқиши интрамурал қисми, ўрта истмик ва ампула қисми фарқ қилинади. Тадқиқотнинг ушбу қисмida юқиридаги маълумотларга амал қилган ҳолда, шу кўрсатилган қисмларини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқишини мақсад қилиб олинди. 12 ойлик қиз чақалоқ бачадон найи интрамурал қисми девори қатламларини гистологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, бу қисмда мушак қавати сезиларли даражада қалинлиги ва яхши ривожланганлиги аниқланди. Бачадон найи интрамурал қисмининг бўшлиғи нисбатан анча торлиги, унинг ички юзасида кам сонли ва калта-калта бўлган сўрғичлар мавжудлиги кузатилди. Сўрғичларнинг тузилишида бундан олдинги даврга нисбатан қалинлашганлиги, стромасида бириктирувчи тўқиманинг қалинлашганлиги аниқланди. Сўрғичларнинг юзасини қоплаган эпителий олдинги даврга ўхшаб бир қаватли призматик эпителийдан ташкил топганлиги ва нисбатан яхши ривожланганлиги кузатилади. Ушбу қопловчи эпителий сўрғичларнинг апикал қисмida нисбатан тўқ ва гиперхромли бўялганлиги, крипталари қисмida эса очроқ бўлганлиги аниқланди. Сўрғичлар асосида шиллик ости қавати йўқлиги, қопловчи эпителийнинг бевосита бириктирувчи мушак тўқимасида жойлашганлиги кузатилди (1-расм). Бачадон найининг ушбу интрамурал қисми деворида чақалоқларнинг 6 ойлик даврида ҳам мушак қавати сезиларли даражада қалинлиги аниқланди. Ушбу мушак қават икки қатламдан иборатлиги, яъни ички силлиқ мушак хужайраларининг бўйлама жойлашган қавати ва ташки айланана ҳолда жойлашган қавати. Бунда ички бўйлама қавати ташки айланана қаватидан бироз қалинлиги кузатилди.


Эрта постнатал даврда бачадон найи тўқимаси ҳам нордон гликозамингликанларга текширилганда маълум бўлди, найининг ички қатилами, яъни сўрғичлар тўқимаси, айнан қопловчи эпителийси ва унинг базал мембраниси нордон моддаларга бойлиги ва альциан кўки билан бўялганда тўқ кўкга бўялганлиги билан намоён бўлди (2-расм). Шунга ўхшаш най деворининг ташки серозли қавати ҳам нордон моддаларга бойлиги, бу қаватнинг ҳам тўқ кўкга бўялганлиги аниқланди. Мушак қавати эса нисбатан очроқ бўялганлиги ва силлиқ мушак хужайралар тутамлари орасидаги оралиқ модда кўкиш бўялганлиги, бу соҳада нордон гликозамингликанлар мавжудлигини тасдиқлайди. 12 ойлик чақалоқлар бачадон найининг интрамурал қисми микроскопнинг катта обьектвида ўрганилганида маълум бўлди, қопловчи эпителийси янги туғилганлик даврга нисбатан такомил топганлиги ва етилган призматик эпителийга айланганлиги аниқланди. Қопловчи эпителий хужайралари бир-бирига яқин ва зич ҳолда жойлашганлиги, сўрғичлар чукурчасида нисбатан йирик ва очроқ ранга бўялганлиги топилди. Бачадон най интрамурал қисми қопловчи эпителийсининг ўзига хос тузилиши шундан иборат бўлди, эпителий хужайралари бевосита мушак хужайраларига туташиб жойлашганлиги сақланиб қолади (3-расм). Демак, бачадон найи шиллик пардасида қопловчи эпителий остида бириктирувчи тўқимали хусусий пластинкаси йўқ. Бачадон найи интрамурал қисми сўрғичлари асосини ташкил қилган стромаси, яъни бириктирувчи тўқимали таянч тузилмалари таркибидаги коллаген толаларнинг миқдорий ва сифатий жиҳатларини ўрганиш учун пикрофуксин билан ван-Гизон усулида бўялганда маълум бўлди, толали тузилмалар сўрғичлар асосини ташкил қилиб, қопловчи эпителийга яқин ва туташ тарзда жойлашганлиги (4-расм) ва айрим соҳаларида бурмалар пайдо қилганлиги кузатилади.

| | |
|--|--|
|  |  |
| 1-расм. 12 ойлик чакалоқ бачадон най интрамурал қисми, бүшлиги тор, девори мушак қавати хисобига қалин. Бүёк: Г-Э. Кат: 10x10. | 2-расм. Бачадон най интрамурал қисми девори, нордон мукополисахаридларга шиллик парда ва сероз пардаси бойлиги кузатилади. Бүёк: альциан күки. Кат: 10x40. |
|  |  |
| 3-расм. Бачадон най интрамурал қисми, ички юзасини қоплаган эпителий бевосита мушак мүқимасига туташ ҳолда жойлашган. Бүёк: Г-Э. Кат: 10x40. | 4-расм. Бачадон най интрамурал қисми сүргичлари, стромасида коллаген толаларнинг кўплиги. Бүёк: ван-Гизон. Кат: 10x40. |


Чақалоқларнинг 12 ойлик даврида бачадон найи ўрта, яъни истмик қисми микроскопик даражада текширилганда маълум бўлдики, бўшлиги интрамурал қисмiga нисбатан кенглиги, сўргичлари яхши ривожланганлиги ва нисбатан узун ҳолда тармоқланганлиги, мушак қавати юпқароқ эканлиги (5-расм) ва сероз пардасида шаклланмаган бириктирувчи тўқима ва ёғ тўқимаси мавжудлиги аниқланди. Шиллик пардаси сўргичлари ҳар хил катталиқдалиги, йирик ва узунлари чиқиши жойида йўғон ва апикал қисмida тармоқланганлиги аниқланди. Қопловчи эпителийси бир қаватли призматик ва цилиндрик тузилишга эгалиги, унданги эпителий хужайралари нисбатан гематоксилин билан тўқроқ бўялганлиги кузатилади. Мушак қавати интрамурал қисмга нисбатан сезиларли даражада юпқалиги ва гистотопографик жиҳатдан айлана йўналишда жойлашган силиқ мушак хужайралари бир қаватли тузилишни ташкил қилганлиги аниқланади. Бачадон найи истмик қисми тўқимасини бириктирувчи тўқима толали тузилмаларнинг миқдори ва жойланишини аниқлаш учун пикрофуксин билан бўялганда маълум бўлдики, пикрофуксин билан тўқ қизил рангга бўялган толали тузилмалар шиллик пардаси сўргичларнинг асоси, яъни стромасида устун туриши (6-расм), мушак қаватида нисбатан камлиги ва сероз парда таркибидаги шаклланмаган бириктирувчи тўқимада ҳам кўплиги аниқланди. Сўргичлари таркибидаги коллаген толалар нисбатан зич ҳолда жойлашганлиги ва строманинг деярлик барча майдонини эгаллаганлиги кузатилади. Бачадон найи тўқимасидаги нордон мукополисахаридларнинг миқдори ва жойланиш жойини аниқлаш майсадида альциан кўки билан бўялганда маълум бўлдики, шиллик пардаси сўргичлари қопловчи эпителийсининг базал мембронасида устун туриши (7-расм), сўргичлар стромасида ва мушак қаватида камлиги, найча сероз пардаси ва атрофидаги бириктирувчи тўқимада кўплиги аниқланди.



5-расм. Бачадон най истмик қисми, девори юпқа, шиллиқ парда сүргичлари узун ва кенг миқёсда тармоқланган. Бүёк: Г-Э. Кат: 10x10.






6-расм. 12 ойлик чақалоқ бачадон най истмик қисми, шиллиқ парда сүргичлари стромасида коллаген толаларнирнг устун турishi. Бүёк: ван-Гизон. Кат: 10x10.



7-расм. Бачадон най истмик қисми сүргичлари, таркибида нордон гликозамингликанлар миқдорининг кўплиги. Бүёк: альциан кўки. Кат: 10x40.

Чақалоқларнинг 12 ойлик даврида бачадон найи ампула қисми бошқа қисмларига қараганда яна ҳам кенг, шиллиқ пардаси жуда узун ва тармоқланган сүргичлардан иборат. 12 ойлик чақалоқлар бачадон найи ампула қисмининг ўзига хослиги ундаги сүргичлар нисбатан қалин ва кенг миқёсда тармоқланган. Шиллиқ парда сүргичлари юзасини қоплаган эпителийси призматик ва айрим жойларида цилиндрик тузилишга эгалиги кузатилди. Сүргичлар қопловчи эпителийси найнинг истмик қисмига ўхшаш ва нисбатан гематоксилин билан тўқроқ бўялганлиги кузатилади. Сүргичлар стромасини ташкил қилган тўқимада толали тузилмаларга бой бириттирувчи тўқима ва силлиқ мушак хужайралардан иборатлиги аниқланади. Ампула қисмнинг мушак қавати интрамурал ва истмик қисмларига нисбатан сезиларли даражада юпқа ва бир йўналишда, яъни айланга йўналишда жойлашган силлиқ мушак хужайралар тутамларидан иборатлиги аниқланади (8-расм). Силлиқ мушак хужайралар орасида майда қон томирларга бойлиги кузатилади. Интрамурал ва истмик қисмларига нисбатан бачадон найи ампула қисми шиллиқ пардаси сүргичларини бириттирувчи тўқима толали тузилмаларининг жойланиши ва миқдорини аниқлаш мақсадида гистологик кесма пикрофуксин билан бўялганда маълум бўлдики, сүргичлар ингичка ва кенг тармоқланган бўлсада барчасининг стромасида, ҳатто ингичка тармоқларининг апикал учуда ҳам пикрофуксин билан қизил рангга бўялган коллаген толалар мавжудлиги аниқланади (9-расм). Най шиллиқ пардаси сүргичлари микроскопнинг катта объективида ўрганилганда маълум бўлдики, сүргичнинг айрим жойлари қалин, бошқа жойлари ингичкароқ ва унинг стромасида толаларга бой бириттирувчи тўқима ва силлиқ мушак хужайралари мавжудлиги аниқланади. Толали тузилмалари бетартиб жойлашган майда ва қалин коллаген тутамларидан иборатлиги топилади. Қопловчи эпителийси бир қаватли призматик

эпителийдан иборатлиги ва эпителий хужайралари юзасида майдада ҳилпилловчи микросўрғичлар мавжудлиги аниқланади. Сўрғичлар таркибидаги толали тузилмаларни гистокимёвий усул, яъни пикрофуксинли ван-Гизон усулида бўяб ўрганилганда маълум бўлдики, сўрғичларнинг стромаси ҳар томонлама толали тузилмалар билан тўлганлиги, толалар тўқ қизил рангли тутамлар пайдо килиб, қопловчи эпителийси базал мембранасида, оралиқ тўқимасида ва қон томирлари атрофида тўлқинсимон тузилишга эга бўлган тутамлардан иборатлиги аниқланади. Бачадон найи ампула қисми сўрғичлари таркибидаги нордон мукополисахаридлар мавжудлиги ва миқдорини аниқлаш мақсадида альциан қўки билан бўлганда маълум бўлдики, сўрғичларнинг юзасида, яъни қопловчи эпителий ва унинг базал мембранасида нордон моддаларнинг устун туриши сақланиб қолганлиги (10-расм), стромасининг оралиқ моддасида нисбатан камлиги тўқиманинг, яъни қопловчи эпителийнинг тўқ қўк, стромасининг оч кўк рангга бўялиши тасдиқлайди.

| | |
|---|---|
|  |  |
| 8-расм. 12 ойлик чақалоқ бачадон найи ампула қисми, сўрғичлари узун ва кенг тармоқланган, мушак қавати юпқа. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10. | 9-расм. Ампула қисм сўрғичлари ингичка бўлсада стромасида коллаген толалар тутам-тутам бўли жойлашган. Бўёқ: ван-Гизон. Кат: 10x40. |
|  | |
| 10-расм. 12 ойлик чақалоқ бачадон найи ампула қисми, сўрғичлар юзасида нордон моддаларнинг кўплиги, стромасида камлиги. Бўёқ: альциан қўки. Кат: 10x40. | |

Хулоса

12 ойлик чақалоқларда бачадон найи интрамурал қисми ингичкалиги ва торлиги сақланиб қолган, шиллик пардасида сўрғичлари олдинги даврларга ўхшаб калта, биринтирувчи тўқимали хусусий пластинкаси йўқ, мушак қавати қалин ва ички бўйлама, ташқи айлана йўналишда жойлашган силлиқ мушак хужайралар тутамидан ташкил топганлиги исботланади.

Бачадон най истмик қисми нисбатан кенгроқ, девори нисбатан юпқа, шиллик парда сўрғичлари узунроқ ва тармоқланган, мушак қавати нисбатан ингичка ва мушак хужайраларининг айлана йўналишда жойлашидан иборат бир қаватдан ташкил топганлиги аниқланди.

Бачадон най ампула қисми бошқа қисмларига нисбатан анча кенглиги, девори юпқалиги, шиллик парда сүргичлари ингичкалиги, узун ва кенг миқёсда тармоқланганлиги сақланиб қолган, мушак қавати бир йўналишда жойлашган силлиқ мушак ҳужайраларидан иборатлиги сақланиб қолганлиги исботланди.

Эрта постнатал даврнинг охирига келиб бачадон най сўргичларини қоплаган ҳужайралар орасида ядрои ийрик ва гиперхромли, цитоплазмаси оч бўялган секретор ҳужайралар кўпаяди.

Мукоцилиар аппарати интрамурал ва истмик қисмида секретор ҳужайралар, ампула қисмида ҳилпилловчи эпителий қўпайиб боради

Постнатал даврнинг 12 -ойига келиб бачадон найнинг тўлқинланиб қисқариши ва торайишини таъминлайдиган мушак пардаси икки қават, ички бўйлама, ташқи айлана қаватлари ташкил топганлиги, интрамурал ва истмик қисмлари сўргичлар апикал қисмида секретор эпителий, ампула қисмида ҳилпилловчи эпителийнинг кўпайиши найнинг морфофункционал ҳолатининг етилиб оришини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Голубовський I.A. Морфологічні особливості маткових труб при непрохідності як обґрунтування нового способу хірургічної корекції неплідності трубного походження / I.A. Голубовський, Г.Я. Костюк, А.П. Король // Галицький лікарський вісн. 2010;17(2):49-51.
2. Козуб М.М. Розвиток і становлення мезонефричних та парамезонефричних проток в ранньому онтогенезі людини / М.М. Козуб, В.В. Кривецький // Бук. мед. вісник. 2001;5(1):88-90.
3. Мавров Г.И. Гистопатология маточных труб у больных с хламидийной инфекцией / Г.И. Мавров, Т.А. Мальцев // Ж. АМН України. 2003;9(1):185-193.
4. Резвяков П.Н. Фенотип гладкомышечных клеток репродуктивной системы плода человека женского пола в эмбриогенезе / П.Н. Резвяков // Морфологические ведомости. 2004;1-2:86.
5. Силина Т.Н. Морфологические параметры маточных труб в возрастном аспекте / Т.Н. Силина // Укр. мед. альм. 2004;7(3):114-115.
6. Kamaci M. Observation of isthmic epithelial cells from fallopian tubes at follicular phase by light and scanning electron microscope / M. Kamaci, Z. Suludere, K. Irmak, C. Can, H. Bayan // Eastern Journal of Medicine. 1999;4(2):51-53.
7. Бақоева Ф. Морфометрические показатели структурных единиц маточных труб у девочек в постнатальном периоде // Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). 2024;1(2):17-22.
8. Maksudovna B.F. Морфометрические показатели структурных единиц маточных трубу девочек в постнатальном периоде // Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. 2024;4(12):236-241.

Қабул қилинган сана 20.09.2025